

**Навоий вилояти бўлинмаси томонидан
2025 йил якуни бўйича
ҲИСОБОТИ**

I. Ҳудудий бўлинма маблағларининг тақсимооти ва ижроси йўналишида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбир тўғрисида”ги 124-сонли Фармони ҳамда Навоий вилояти Кенгаши (декабрь ойида) томонидан **2025 йил** учун маҳаллий бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги қабул қилинган қарорига асосан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмасига жами **4 219,639 млн. сўм** маблағ ажратилган.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2025 йил 24 февралдаги 01-10/6-сонли қарори билан ажратилган маблағлар фуқаролик жамияти институтларини давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти шаклида қўллаб-қувватлаш ва ҳудудий бўлинманинг маъмурий харажатлари учун тақсимланган.

Жумладан,

1. Давлат субсидияси учун жами 2 554,170 млн. сўм.

- Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳудудий бўлимларига – **1 107,7 млн. сўм;**
- Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ҳудудий бўлимларига – **1 115,6 млн. сўм;**
- Ўзбекистон Карлар жамияти ҳудудий бўлимларига – **199,8 млн. сўм;**
- Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ҳудудий бўлимларига – **131,07 млн.**

сўм;

Жорий йилнинг 31 декабрь ҳолатига давлат субсидияси шаклида маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларнинг **2554,1 млн. сўм 24 та** фуқаролик жамияти институтларига ажратиб берилган.

2. Ҳисобот даврига қадар ғолиб бўлган давлат ижтимоий буюртмаси мавжуд эмас.

3. Давлат гранти учун жами 1191.6 млн. сўм ажратилган.

1-Давлат гранти танлови бўйича, Парламент комиссиясининг 2025 йил 9 июлдаги 01-10/20-сонли қарори билан Навоий вилоятидан Республика танловига ариза топширган **44 та** ННТларидан **7 таси** учун жами **910 млн. сўм** маблағ ажратилди.

Вилоят танловига ариза топширган **28 та** ННТларидан 5 тасига жами **410,0 млн. сўм** маблағ ажратилди.

2- Давлат гранти танлови бўйича, Республика бюджетидан 4 та лойиҳа учун жами **580,0 млн.сўм** ажратилган.

Вилоят бюджетидан 7 тасига жами **762,0 млн. сўм** маблағ ажратилди.

3- Давлат гранти шаклида вилоятда фаолият юритаётган 3 та Навоий вилояти “Бахт қасри”, Навоий вилояти “Мурувват” ёшлар ва аёллар маркази ва Навоий вилояти “Парвоз” ижтимоий кўмак маркази, ННТлари ғолиб деб топилиб Республика Жамоат фондидан **340.0 млн сўм** маблағ ажратилди.

4. Ҳудудий бўлинманинг жорий харажатлари учун 473,8 млн. сўм ажратилган.

II. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури доирасида:

– Давлат гранти танлови йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида жойларда сақланиб қолаётган муаммоларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси, Жамоат фонди директори ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ билан биргаликда барча ҳудудларда ўрганиш ишлари олиб борилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбир тўғрисида”ги 124-сонли Фармонининг мазмун моҳиятини тарғиб қилиш бўйича Навоий вилоятидаги фуқаролик жамияти институтлари иштирокида **45 та** семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

– Навоий вилояти бўлинмаси томонидан “Бир миллион” дарахт акцияси доирасида **150 тага** яқин мевали ва манзарали **дарахт кўчатлари** экилди.

– Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан биргаликда ҳудуддаги фуқаролик жамияти институтлари билан **очиқ мулоқот тадбирлари** ташкил этилди.

III. Ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўналишида:

Ҳудудий бўлинма ҳамда ҳамкор ташкилотлар, ЎзННТМА Навоий вилоят бўлинмаси, вилоят адлия бошқармаси билан биргаликда 2025 йил давомида белгиланган иш режасига мувофиқ фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган жами **63 та** тадбир, шу жумладан **17 та** давра суҳбати, **45 та** семинар, **32 та** учрашув ташкил этилиб, ушбу тадбирларга жами **1500 нафар** иштирокчи қатнашиши таъминланди.

Навоий вилоят бўлинмаси томонидан ажратиладиган Давлат гранти ва Давлат ижтимоий буюртмалари юзасидан ННТ ларнинг танловларга ngo.gov.uz платформаси орқали онлайн ариза топшириш ва танловларда иштирок этиши юзасидан МФЙларда, ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг малакали кадрлари, ЎзННТМА вилоят бўлинмаси, вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорликда **30 дан** ортиқ ўқув

семинарлар ташкил этилди, ўтказилган давра суҳбатлари, ўқув семинарлари ОАВ, телевидения, газета орқали кенг жамоатчиликка етказилди.

ЎЗННМА Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида **2025 йил давомида, 11 та** янги ННТ аъзоликка қабул қилинишига эришилди. Вилоятда фаолият юритаётган ННТ фаолиятини **ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш** мақсадида **5 та** тадбир ташкиллаштирилди ҳамда **100 та** ННТ мурожаатига ҳуқуқий маслаҳатлар **8 та** консултатив, **20 та** ташкилий-техник, **27 та** лойиҳаларни шакллантириш, **1 та** лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклар кўрсатилди.

Бундан ташқари, ННТ томонидан Адлия вазирлиги, Солиқ, Давлат статистика қўмиталарига ҳисоботларни ўз вақтида ва тўғри топширишни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларни олдини юзасидан **“#Сиз ҳисоботларни топширдингизми”** хэштеги остида **икки босқичда** акция ўтказилди.

Ҳамкор ташкилотлар ҳамда “Мадад” ННТ билан ҳамкорликда ННТ учун **“Очиқ эшиклар кўни”** ташкиллаштирилди, унда **38 га** яқин ННТ иштирок этди. (**21 февраль, 18 ноябрь** кунлари - Навоий шаҳридаги **“Дўстлик ва ННТлар уйи”**да ўтказилди).

ННТларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ташаббуслари:

– Навоий вилоятида **18 та** жамоатчилик назорати тадбирларида ижтимоий биноларда ногиронлиги бўлган фуқаролар учун пандуслар, бино эшикларнинг остоналари ва улардаги ҳожатхоналар эшиклари, шунингдек аэропортда, банкларда ва темир йўл вокзали ва автовокзаллардаги кассалар ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилди. Кўзи ожиз фуқаролар учун тактил йўлакчалар ўрнатилишига эришилди.

– Навоий вилояти бўлинмаси ва Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда молиявий ва ҳуқуқий йўналишда **15 та** семинарлар ташкил қилинди.

IV. Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш йўналишида:

Ҳисобот даврида бўлинма томонидан жами **28 марта** Навоий вилояти телерадиокомпаниясида, “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы”, “Муқаддас бурч”, “NAVOIY” маънавий-маърифий газеталарида, бўлинманинг Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмаси телеграмм каналида ва ҳудудий ОАВда эълон қилинди.

Навоий вилояти бўлинма
бошлиғи в.в.б



Х.Жумаев.